Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 9 июль, № 134 (5301) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 57 200 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 111 875 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 57 200 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 111 875 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 68 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 7 июль

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАРИ

жонажон Ватанимиз довруғини дунёга таратмоқда

...Эрта тонг. Соат 04:00. Кун аста-секин ёришиб келмоқда. Айни дамда "Тошкент" халқаро аэропорти одатдагидан кўра гавжум. Бу ерда ёшу қари, каттаю кичик жамулжам бўлган. Кимнингдир қўлида каттакон гулдаста, яна биров эса кутаётган одамига зарбоф тўн атаган. Барча ҳаяжонда. Йиғилганларнинг нигоҳига боққан одам, олис Мексика мамлакатидаги футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида юрт шанини муносиб ҳимоя қилган ўғлонлар билан дийдорлашишга интиқликни сезиши қийин эмас.

Мана, узоқ кутилган фурсат ҳам етди. Аэропорт сухандони ўсмирларимизни бағрига жо қилган самолёт Тошкентга қўнганини эълон қилди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ёш футболчиларимиз бирин-кетин чиқиб кела бошлашди.

...Тез кунларда Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганига йигирма йил тўлади. Кўҳна тарих олдида бу у қадар узоқ муддат бўлмаса-да, юртимиз шу ўтган вақт мобайнида асрларга татигулик ютуқларга эришди. Бугун дунёнинг қаерига борманг, жаҳон харитасида Ўзбекистон деган давлат борлигини, унинг халқи бунёдкорликда, салоҳиятда тенги йўқлигини би-

Ифтихор

лишади, эътироф этишади. Энг муҳими, бу юртда ёшлар тарбиясига, уларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига алоҳида аҳамият қаратилаётгани, ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш шахсан давлат раҳбарининг эътиборида эканлиги барчага аён.

Зеро, истиқлолга эришган дастлабки йилларимизданоқ, мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан етук ва баркамол авлод бўлиб шаклланиши масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият берилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда нафақат шаҳар марказлари, балки энг олис тоғли ҳудудларда ҳам муҳташам спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари, футбол майдонлари, ёшлар марказлари барпо этилиб, келажагимиз эгалари ихтиёрига топширилмоқда. Биргина 2010 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фаолияти йўлга қўйилди. Улар умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва бошқа зарур ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. Мазкур эътибор самараси ўлароқ, ҳозир умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўгаракларда спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эгадир.

(Давоми 4-бетда).

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш мамлакатимиз ўз олдига қўйган устувор стратегик мақсад ҳисобланади. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос ўрни ва роли бор. Таъкидлаш жоиз, кейинги вақтларда мамлакатимизда мазкур соҳа ҳам ўзгача мазмун ва моҳият касб этиб, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди.

Бу борадаги ислоҳотлар алоҳида эътибор билан, тизимли равишда олиб борилаётгани самараси ўлароқ, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимиз тараққиётининг ажралмас қисмига айланди.

Қисқача айтадиган бўлсак, бугун юртимизда миллий матбуотимизга асос солиниб, оммавий ахборот воситалари жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан фикрлар хилма-хиллигини уйғотиш, халқимиз онгида янгича тафаккурни шакллантиришда муҳим институт бўлиб хизмат қилмоқда. Эндиги вазифа эса шаклланиб бораётган миллий ахборот маконини янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бинобарин, миллий ахборот маконини ривожлантирмай туриб, жаҳон ахборот маконига интеграциялашувнинг имкони йўқлиги барчамизга аён ҳақиқат.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги устувор вазифаларни белгилаб берар эканлар, айнан шу масалага ҳам тўхталиб ўтганлари бежиз эмас.

Маълумки, бугун ҳар қандай матбуот воситасининг миллий ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши унинг олдида турган энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлган оммавий ахборот воситасигина ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан миллий ахборот маконида оммавий ахборот воситасининг ҳам шакли, ҳам мазмуни ўзгариб борар экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам такомиллашиб бориши табиий. Шундай экан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир".

(Давоми 2-бетда).

«Ёзги оромгоҳ—2011»

Шаҳрисабз туманидаги "Лочин" оромгоҳида "Келажак овози — 2011" ёзги ўқув-дам олиш тадбирлари бошланди. Унда 500 нафарга яқин "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари ғолиблари ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари иштирок этмоқда.

Қизиқарли лойиҳалар, илғор ташаббуслар

ёш иқтидор эгаларини янги марралар сари илҳомлантирмоқда

Иқтидорли ёшлар бу ерда икки ҳафта мобайнида ўтказиладиган "Тадбиркорлик кўникмалари", "Ахборот технологиялари ва инновацион ғоялар", "Баҳс-мунозара қоидалари", "Расмий чиқишлар ва нотиқлик қобилияти", "Жамоавий бирдамлик ва Team-building", "Микрокредитлаш ва тадбиркорлик", "PR ва реклама", "Ижодий фикрлаш" сингари ўқув машғулотлари, тренинг ва ахборот-семинарларда қатнашиб, билимларини бойитадилар. Шунингдек, улар учун интерфаол ўйинлар, спорт мусобақалари, "Қувноқлар ва зукколар" каби турли маданий дам олиш тадбирлари ташкил этилади.

(Давоми 3-бетда).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р. Қодиров бошқарган йиғилишда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ижроси борасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда ёш авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган дастурлар доирасида вояга етмаганлар назоратсизлиги ва

Тадбир

ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилмоқда. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идора ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини тубдан ошириш, болаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини эрта аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини кескин яхшилаш имконини бермоқда. Болаларда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, ахлоқ ва соғлом турмуш тарзини сингдириш ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таълим муассасалари, прокуратура, адлия, ички ишлар органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 47 мингдан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган.

(Давоми 2-бетда).

Модернизациялаш – тараққиёт омили

Бир рақам шарҳи

Республикамизда **2011** йилнинг биринчи чорагида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун ажратилган кредитлар ҳажми **35** фоизга ўсди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни изчил жорий этмасдан туриб, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб бўлмайди. Шу боис юртимизда корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорларнинг бу борадаги лойиҳалари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш тадбирлари жадал давом эттирилиб, шу мақсадда тижорат банкларининг 1,12 триллион сўм миқдоридаги маблағи йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, саноатнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш қувватининг ошишига, сарф-харажатларнинг камайишига, моддий ва табиий ресурсларнинг тежалишига, пировардида тайёрланаётган маҳсулотлар таннархининг пасайишига хизмат қилаётир.

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Концепцияда ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларига қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилди.

Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлашга, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш соҳа фаолияти самарадорлигини ошириш, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар бериш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб, келгусида жамоатчиликни тўла, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Маълумки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситаларининг асосий фаолияти мулкий муносабатлар билан чамбарчас боғликдир. Шунинг учун "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида оммавий ахборот воситаси таҳририяти мулкдорининг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун, энг аввало, оммавий ахборот воситаси мулкдори шунчаси қонунда аниқ-равшан белгилаб қўйилиши керак. Яъни соҳа мулкдори деганда, қонун нормаларида оммавий ахборот воситасининг Низом жамғармасини шакллантирувчи ёхуд молиялаштирувчи муассиси тушунилади. Қонун орқали мулкдорнинг мажбуриятлари тўғрисидаги норма ҳам белгиланиши эътиборга молик. Чунончи, мулкдор томонидан таҳририятни молиялаштириш миқдорлари унинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлай олиши даражасига чиқиши учун етарли бўлиши, олинган даромадлар, биринчи навбатда, ходимларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, таҳририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бозор рақобати шароитларида оммавий ахборот воситасининг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратишга сарфланиши лозим.

Оммавий ахборот воситаси таҳририяти ва нашр чиқарилишини таъминловчи ташкилот иқтисодий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қонунга таҳририятнинг тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида таҳририят фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, таҳририятни молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш, хусусан, мулкдорнинг маблағлари, ҳомийлик ёрдамлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган даромадлар ҳақидаги нормаларни киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Қонунга таҳририят томонидан маҳсулотларни тарқатиш бўйича иқтисодий нормалар киритилиши эса, бир томондан, таҳририятлар маҳсулотларининг оммавийлигини ошириш ва бунинг натижасида қўшимча даромад олишга эришишни таъминласа, иккинчи томондан, истеъмолчи олдида улар масъулиятини ошириб, сифатли ахборотни аҳоли кенг қатламлари томонидан ўз вақтида олиниши ҳуқуқини муҳофаза қилади.

"Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида эса, бозор муносабатлари шароитида миллий оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини, иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашда давлатнинг иштироки, оммавий ахборот воситаларига тақдим этилган ахборотнинг сиёсий, ғоявий ва маданий хилма-хиллигини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳуқуқий механизмлар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, миллий ахборот маконини тобора ривожлантириб боришга қаратилган иқтисодий, молиявий имтиёзлар ва преференциялар тизимини, шу жумладан, солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича имтиёзлар тизимини яратиш ҳам қонунда ўз аксини топиши лозим. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг "ижтимоий буюртмаси"ни шакллантириш, ижтимоий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга бўлган мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни мақсадли молиялаштириш, оммавий ахборот воситаларига давлат томонидан субсидиялар, манзилли дотациялар ва грантлар ажратиш, ижара бўйича имтиёзлар бериш каби масалаларни ҳам қонун билан тартибга солиш асосий мақсадлардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, уларнинг эркинлиги ва иқтисодий барқарорлигини бозор талаблари, замонавий менежмент ҳамда маркетинг асосларида амалиётга татбиқ этиш учун хизмат қилувчи қонун ҳужжатларини маромига етказиш, ахборот-коммуникация технологияларининг илғор ютуқларини оммавий ахборот воситалари фаолиятига кенг жорий этишнинг ҳуқуқий бошқарувини таъминловчи қонун ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш миллий ахборот маконини тўлиқ шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида миллий ахборот маконини шакллантиришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шундай экан, миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатлар оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш мақсадида миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ҳамда миллий ахборот маконини ривожлантириш йўлидаги муайян бўшлиқларни бартараф этиш қонун ташаббускорлари, жумладан, соҳага дахлдор барча инсонларнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ – ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида ўтказилган "Ўзбекистон: таркибий ўзгаришлар учун янги стратегиялар ва имкониятлар" мавзуидаги тадбирда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича катта вице-президенти ва бош иқтисодчиси Жастин Лин маъруза ўқиди.

Унда давлат ва жамоат тузилмалари, илмий ва таълим муассасалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатини ўрганаётган кўплаб давлатлар экспертлари унинг юқори самарадорлигини қайд этаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг "ўзбек модели" ва унинг асосида инқирозга қарши чоралар комплексининг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари бартараф этилди, балки янада изчил ривожланиш учун асос яратилди. Етакчи халқаро таҳлилчиларнинг фикрича, дунёдаги аксарият мамлакатлар иқтисодиётни инқироздан кейинги қайта тиклаш борасида узоқ давом этадиган ва мураккаб жараённи бошдан кечириши кутилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланмоқда, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар давом этмоқда, бозор механизмлари мустаҳкамланмоқда, экспорт салоҳияти ортмоқда ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўпаймоқда. Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларида яққол намоён бўлмоқда. 2009 йилда унинг ўсиш суръатлари 8,1 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил қилди. Жаҳон молия институтларининг фикрига қараганда, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканини Жастин Лин ўз маърузасида алоҳида эътироф этди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Жаҳон банки делегациясининг Ўзбекистонга ташриф буюргани ва иқтисодиёт соҳаси олимлари ҳамда амалиётчи мутахассислари билан учрашуви бозор ислоҳотларини самарали амалга ошириш борасида мамлакатимиз тажрибасини ўрганишдан манфаатдорлигининг яна бир тасдиғидир.

Жастин Лин маърузасида ҳар қандай ривожланаётган давлат ўз иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиши зарурлиги ҳақидаги фикрларини баён қилди. У Ўзбекистон аҳоли даромади юқори бўлган ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига ишонч билдирди.

— Жаҳон банки янада муваффақиятли иқтисодий ривожланишга эришишда Ўзбекистоннинг ҳамкори бўлишдан мамнун, — деди маърузаси якунида Жастин Лин.

М. МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли деб топилган болалар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш борасидаги ишларни ташкил этишда йўл қўйилган баъзи нуқсонлар танқид қилинди. Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар томонидан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, йўл қўйилаётган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва ушбу масала бўйича масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан ички ишлар вазири ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари М. Мирфайзиевнинг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, йиғилишда ўқувчиларнинг қобилияти ва кўникмаси, касб-ҳунарни ўрганишга бўлган қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим йўналишини танлашга кўмаклашиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини ошириш, уларни турли тўгараклар ва спорт машғулотларига жалб қилиш борасидаги айрим камчиликлар ҳам танқидий муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси сўзсиз таъминланиши, шу жумладан, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, узвийлиги ва изчиллиги, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими йўналишларини танлашнинг ихтиёрийлиги ҳақидаги талабларнинг бажарилиши юзасидан вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар олдида турган долзарб вазифа ва устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

Яхши хабарлар

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва Украинанинг "Аэросвит" авиакомпаниялари ўртасида тузилган шартномага асосан, "Киев — Самарқанд — Киев" авиайўналиши бўйича мунтазам қатнов амалга оширилмоқда.

Янги авиақатнов йўлга қўйилди

Мазкур янги йўналиш ҳафтада бир марта Киев ва Самарқандни тўғридан-тўғри боғлайди. Бу жорий йилда "Самарқанд" халқаро аэропортидан йўлга қўйилган иккинчи халқаро йўналишдир. Бундан бир ой олдин "Самарқанд — Екатеринбург" йўналишида йўловчиларга хизмат кўрсатила бошланган эди.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

Андижон туманидаги "Эверест реал имкон фаворит" масъулияти чекланган жамиятида импорт ўрнини босувчи металл қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ушбу лойиҳа банкнинг 300 минг АҚШ долларилик кредити ҳамда корхонанинг 53 миллион сўмлик маблағи ҳисобига амалга оширилди.

Айни пайтда бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида кунига 400 метргача турли ҳажмдаги металл қувурлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъат кошонаси

Қумқўрғон туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби муҳташам янги бинога эга бўлди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами олдидан туман ёшлари учун ўзига хос совғага айланган мазкур санъат кошонаси "Агромаштаъмирқурилиш" масъулияти чекланган жамияти ишчилари томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

Бу ерда якка тартибда машғулот ўтказиш учун ва хор тўгарагига мўлжалланган махсус синфхоналар, концерт зали, ранг-тасвир ҳамда ҳайкалтарошлик устахоналари мавжуд.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФЕРМЕРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАСИ

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тобора ортиб бораётгани барчамизга аён. Соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун яратилаётган имкониятлар мазкур соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлаётир.

Бунга айни пайтда Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Чунки вилоятда сўнгги йилларда кичик бизнесни ташкил этиш, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада 2010 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 4 та гўшт, 10 та сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 5 та аҳолидан сут қабул қилиш пункти ташкил этилди.

Дўстлик туманидаги "Уста Сафар ота" кўп тармоқли фермер хўжалиги — шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. Хўжаликка 1998 йилда асос солинган бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, пахтачилик тармоқлари билан бирга, чорвачилик ҳам йил сайин ривожлантирилди. Бу, ўз навбатида, хўжаликда етиштирилаётан чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш заруратини туғдирди. Шу боис фермер хўжалиги раҳбари Дўстмамат Қодирқулов сутни қайта ишлаш цехини ташкил қилди.

— Бунинг учун "Агробанк"нинг туман бўлими томонидан ажратилган 108 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан замонавий технология сотиб олдик, — дейди у. — Ҳозир цехимизда бир кечакундузда 1 тонна сутни қайта ишлаб, тайёрланаётган 14 турдаги маҳсулотларни ҳудуддаги турли муассасаларга шартнома асосида етказиб бераяпмиз. Бундан ташқари, вилоят марказидаги ўзимизга қарашли 3 та дўкон орқали маҳсулотларимизни шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилаяпмиз.

Айни пайтда 138 гектар экин майдони, 102 бош қорамол ва 120 бош қўй мавжуд бўлган мазкур хўжаликда 36 нафар киши меҳнат қилади. Сутни қайта ишлаш цехининг ташкил этилиши эса бу ерда қўшимча равишда яна 8 кишини иш билан таъминлади.

"Ташаббус — 2011" кўрик-танловининг вилоят босқичи совриндори Дўстмамат Қодирқуловнинг мақсадлари улкан. У келгусида хўжалик фаолиятини янада кенгайтириб, маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш ниятида. Бунинг учун шарт-шароит ва имкониятлар эса етарли.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот

СУРАТДА: фермер хўжалиги фаолиятидан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

ЮКСАК МАЛАКА, ЯНГИ ТАЖРИБА САМАРАСИ

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан "Сиёсий ва маънавий етук раҳбар кадрларни тайёрлаш: муаммолар, ечимлар ва янги тажриба" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида журналистларга батафсил ахборот бердилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари учун раҳбар кадрлар тайёрлашда мазкур муассасанинг ўрни катта. Кейинги йиллар давомида академияда кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш, ана шу йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ушбу даргоҳда шу кунга қадар таҳсил олган 2147 нафар мутахассиснинг аксарияти давлат бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотларида юқори лавозимларда меҳнат қилмоқда.

Анжуманда, шунингдек, тараққиётнинг бугунги босқичида жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялашда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар — раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, академиянинг ташкилий, ўқув ва илмий-амалий фаолиятини замон талабларига мослаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам фикр юритилди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Бугун ўсиб келаётган навқирон авлод вакилларига ҳар қанча ҳавас қилсак, арзийди. Негаки, истиқлолнинг илк йиллариданоқ фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг бу борадаги ғамхўрлигини теран англаш, ўғил-қизлар қалбида она-Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришда ўқитувчининг ўрни беқиёс.

БУРЧГА МАСЪУЛИЯТ, ЮРТГА САДОҚАТ

Мен шу касбнинг этагидан ушлаганимга кўп йиллар бўлди. Лекин ҳеч қачон ўқитувчи-мураббийларнинг бугунгидек эъзозланганига гувоҳ бўлмаганман. Тинч ва осойишта юртда яшаётганимиз, бундай юксак эътибордан баҳраманд бўлаётганимиз учун ҳар қанча шукрона айтсак, шунча кам. Мустақиллик иншоотлари — янги замонавий мактаб биноларидаги, коллеж-лицейларга қараб туриб, гапнинг очиғи, қувончдан бошимиз кўкка етади. Беихтиёр ўзимнинг болалик даврим ва бугунги авлодга яратиб берилган шарт-шароитни таққослаб, мўъжиза-ку, булар, дейман ўзимга ўзим.

Фарзанд тарбияси учун ота-она нечоғли қайғурса, бу вазифа ўқитувчи-мураббийларимиз учун ҳам шунчалик масъулиятлидир. Шу боис истиқлол йилларида Президентимизнинг юксак эътибори туфайли ўқитувчилик касби қадр топди, шарафланди. Устоз-мураббийларни эъзозлаш тимсолида таълим тизимини ислоҳ қилишга беқиёс эътибор билан қаралаётгани бежиз эмас. Ёшлар — Ватан келажаги, улар бизнинг умид ва ишончимиз.

Ахир, юртимиз аҳолисининг 45 фоиздан ортиғини 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар ва болалар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизда таълимни ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди.

Ушбу рақамларга эътибор беринг:

2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида жами 8501 умумтаълим мактабида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 8501 таълим муассасасидан 6888 таси (81 фоиз) қишлоқларда, 287 таси (3 фоиз) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 1326 таси (16 фоиз) эса шаҳарларда барпо этилди.

Бу рақамларни келтиришимиз бежиз эмас. Гап шундаки, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда ҳар бир давлатда ҳам ёшларга, уларнинг билим олиши ва келажагига бўлган муносабат ижобий эмас. Қай бир мамлакатда ишсизлик авж олиб, бошқа бирида тинчлик деган улуғ неъматга завол етмоқда. Доно халқимизда: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган нақл бор. Айрим мамлакатларда рўй бераётган бу каби турли-туман воқеалар эса бизни шукрона ва яна шукрона билан яшашга ундайди.

Ғурур билан айтамизки, истиқлол туфайли нафақат мактабларимизга эътибор кучайди, шу билан бирга, ўқитувчи меҳнати қадр топди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, таълимда залварли ютуқларга эришилаётганини ҳаётимиз мисолида англаб бораяпмиз. Бахтимни қарангки, менинг ҳам камтарона хизматларим юксак қадрланиб, Юртбошимизнинг Фармонига биноан, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган унвонга мушарраф бўлдим. Бундай беқиёс эъзоз ғайратимга ғайрат, кучимга куч қўшди. Мақсадим шуки, фарзандларимизни муҳташам мактаб биноларини асраб-авайлаш, китобни қадрлаш, чин дилдан илм олишга ундамоқликдир. Зеро, ёш авлодни комил инсон, эл-юрт корига ярайдиган мутахассислар сифатида кўриш биз, ўқитувчи ва мураббийлар учун юксак шараф.

Зиёдулла САНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Улкан жонивор қолдиқлари

Бир гуруҳ олимлар Австралияда улкан ҳайвоннинг суяк қолдиқларини топишди.

Маълум қилинишича, ушбу жониворлар бундан икки миллион йил аввал мазкур ҳудудларда яшаган. Улар халтали жониворларнинг илк аждодлари эканлиги айтилмоқда. Квинсленд штати ҳудудидан топилган ушбу скелетнинг оғирлиги уч тоннага тенг.

Олимлар қазишма ишларини давом эттиришмоқда. Уларнинг мақсади бу йирик жониворларнинг қирилиб кетиши сабабларини аниқлашдир, дейилади хабарда.

Ишлаб чиқарувчилар хурсанд

"Bloomberg" ахборот агентлигининг хабар беришича, Форс кўрфазидаги мамлакатларда қимматбаҳо машиналар савдоси сезиларли даражада ўсган.

Бунга айни пайтда жаҳон бозорида нефть нархининг муттасил ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Нега деганда, ушбу ҳудуддаги аксарият мамлакатлар "қора олтин" экспорти ҳисобидан мўмай даромад кўрмоқда. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунга келиб, Форс кўрфазидаги давлатларда "Rolls-Royce", "Maserati", "Porsche" каби қимматбаҳо русумларнинг савдоси 20 фоизга ортган. Ўтган йили бу кўрсаткич 9,7 фоизни ташкил этганди.

Табиийки, ушбу ижобий натижа ишлаб чиқарувчиларни ҳам хурсанд қилди. Хусусан, "Maserati" вакили ҳозир дунёнинг бошқа минтақаларида савдо ҳажми пасайган бўлса-да, бу Форс кўрфазидаги ўсиш эвазига деярли сезилмаётганини алоҳида қайд этган.

Стадионнинг томи қулаб тушди

Голландиянинг Энсхед шаҳри футбол клуби — "Твенте"га тегишли стадионда таъмирлаш ишлари олиб борилаётган пайтда унинг томи қулаб тушди, дея хабар тарқатди "Sky News" ахборот агентлиги.

Оқибатда бир гуруҳ муҳандис ва ишчилар вайроналар остида қолиб кетган. Фавқулодда вазиятлар ҳамда тиббиёт хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан жабрланувчилар қутқариб олинган. Уларнинг аҳволлари қониқарли даражада эканлиги маълум қилинди.

Ушбу кўнгилсизликни келтириб чиқарган сабаблар маълум эмас.

Какао ва шоколад

Дунё бўйича какао нархи рекорд даражага етган.

Бу эса ширинлик маҳсулотлари, айниқса, шоколаднинг қимматлашувига олиб келиши мумкин.

— Охирги беш йил ичида мазкур хом ашё қиймати икки баробар ошди, — дейди Халқаро какао жамғармаси ижрочи директори Жак Марк Анга. — Шу боис ҳам истеъмолчиларнинг талабини барқарор қондириш мақсадида олтмишга яқин лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз.

Унинг таъкидлашича, ушбу лойиҳалар жаҳон бўйича какао етказиб бериш ҳажмини 4 млн. тоннадан 6 млн. тоннага ошириш имконини яратади. Шу орқали хом ашё тақчиллигига барҳам бериш мўлжалланмоқда.

Спортчининг сирли ўлими

Финляндиялик машҳур чанғичи, олимпиада ўйинлари ғолиби Мика Мюллюла сирли тарзда ҳаётдан кўз юмди.

Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига кўра, 41 ёшли спортчи мамлакат шимоли-ғарбидаги Коккола шаҳридаги уйидан ўлик ҳолда топилган. Унинг ўлими сабаблари аниқ эмас.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Мика Мюллюла Олимпиада ўйинларидаги илк медалини 1998 йили Наганода қўлга киритган. Ўшанда у 30 километрлик масофага классик пойгада биринчи бўлиб маррага етиб келганди. Шундан кейин спортчи яна бешта Олимпиада медалига сазовор бўлди.

2001 йили эса спортчи допинг қабул қилганликда айбланиб, икки йилга спортдан четлаштирилади. 2005 йилда Мика профессионал спортдан кетганини эълон қилган.

Вулқонлар рўйхати

Экспертлар томонидан яқин йилларда фаоллашиши кутилаётган вулқонлар рўйхати тузиб чиқилди.

Улар орасида Индонезиядаги Кракатау ва Японияда ги Фудзияма энг йириклари сифатида тилга олинган. Бундан ташқари, Альп ва Ҳимолай тоғ тизмаларидаги Везувий ҳамда Этна "лава ўчоқлари"нинг ҳам уйғониши эҳтимоли йўқ эмас.

Бундай ҳолат июнь ойида Чилининг Пуйеуэ вулқонида кузатилганди. Ўшанда ушбу мамлакатдан ташқари унинг яқинида жойлашган Аргентина, Бразилия, Уругвай ҳамда Парагвайдаги маҳаллий аэропортлар вақтинчалик ёпилганди.

Халқаро парвозлар хавфсизлиги жамғармаси мутасаддилари мазкур табиий ҳодисалар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратлари астасекин бартараф этилаётган айни пайтда авиакомпаниялар аҳволини янада мураккаблаштириши мумкинлигини қайд этишди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кейинги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида энергия ресурсларининг камайиб бораётгани ҳақида тез-тез хабарлар тарқатилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу ҳолат яқин келажакда дунёнинг айрим минтақаларида турли қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис жаҳонда муқобил энергия манбаларини яратишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар қандай табиий ресурс бир кун келиб тугаб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қолаверса, бундай энергия манбаларидан фойдаланиш атроф-муҳит мусаффолиги ва Ер юзида биологик хилма-хилликни асрашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ЖУДА ҚУЛАЙ, АММО ХАВФСИЗЛИГИЧИ?..

Гапни бежиз энергия ресурси билан боғлиқ муаммодан бошламадик. Жорий йил бошидан бери хом ашё биржаларида бир баррель нефтнинг қиймати 100 АҚШ долларидан пастга тушмаяпти. Бунга нефтга бўлган талабнинг юқорилиги асосий сабаб бўлаётир. Айнан ана шу жиҳатнинг пайдо бўлиши муқобил энергия ресурсларини яратишнинг самарали йўлларини топиш, улардан фойдаланиш даври келганлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, сайёрамизда ҳаёт бардавомлигини таъминлаш, турли экологик муаммоларни ҳал этишда бу омил муҳим. Тегишли ташкилотлар берган маълумотларга кўра, ҳозир атмосфера тез суръатда заҳарланиб бормоқда. Ушбу жараённинг тезлашишига турли техника воситалари тутун мўрисидан чиқаётган зарарли газлар асосий омил бўлаётир. Чунки ҳозир дунё бўйича 400 миллион донадан ортиқ автомобиль рўйхатга олинган. Ёнилғимойлаш маҳсулотлари билан ҳаракатланувчи мазкур техника воситалари бизни ўраб турган атроф-муҳитга ҳам, аҳоли соғлиғига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бир дона автомобиль йилига ўртача 4 тонна кислородни заҳарлайди. Унинг тутун мўрисидан 800 кг. углерод оксиди, 40 кг. азот оксиди ва яна 200 кг. миқдорида бошқа турдаги зарарли моддалар атрофга тарқалади. Биргина АҚШда 150 миллион донадан кўп автомобиль мавжуд бўлиб, атмосфера ҳавоси заҳарланишининг дунё бўйича 40 фоизи шу мамлакатга тўғри келмоқда. Бу ўринда "Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган автомобиллардан қандай қилиб воз кечиш мумкин?" деган ҳақли савол туғилиши табиий. Тўғри, бугунги даврда бунинг сира иложи йўқ. Техника воситалари ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларнинг хизматидан фойдаланмаслик ёки ўрнини босувчи бирор бир воситани яратиш ҳақида тасаввур этиш мушкул.

Шу сабабли дунёдаги аксарият йирик автомобилсозлик компаниялари муқобил энергия манбалари билан ҳаракатланувчи машиналарни яратишга бел боғлашган. "Келажак автомобиллари" дея аталаётган ушбу автоуловлар тежамкорлиги, атроф-муҳитга зарарсизлиги билан эътиборлидир. Жумладан, Японияниг "Honda Motor Co" компаниясида водородли двигатель билан юрадиган машина ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Жаҳонга машҳур "GM" концерни конструкторлари эса "Chevrolet" номи остида тайёрланаётган янги русумли "темир тулпорлар" 100 километр масофага атиги бир литр бензин сарфлашини айтмоқдалар.

Маълумки, водород Ер юзида кенг тарқалган кимёвий унсурлардан ҳисобланади. Агар у билан автомобилни ҳаракатлантиришнинг имкони топилса, бу жуда катта муваффақият бўлади. Шунинг учун ҳам бундай двигателларни тайёрлашга "Toyota Motor Corp.", "Daimler AG", "General Motors Corp." ва "Hyundai Motor Co." каби йирик автомобилсозлик компаниялари ҳам хайрхоҳ бўлишмоқда. Экспертларнинг фикрича, ҳозир бир килограмм водороднинг қиймати 5-10 АҚШ доллари атрофида ва бу қиймат бензинникидан анча юқори. Бунинг боиси, водородга эҳтиёж катта бўлмай, у ҳозир фақат табиий газ таркибидан ажратиб олинаётганидадир. Аммо водородни олиш мумкин бўлган манбалар анча бисёр. Шу боис ҳам мутахассислар водород манбаларини ўзлаштириш кўлами ортса, нархнинг ҳам истеъмолчилар учун мақбул қийматда бўлишини таъкидлашмоқда. Бундан ташқари, қуёш нури, электр қуввати билан ҳаракатланувчи машиналар ишлаб чиқариш борасида ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилаётир. Мутахассислар "электр асри" дея атаётган ҳозирги даврда электр қуввати билан ҳаракатланувчи машиналар ҳаётимизга кенг кириб келиши ҳам эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлашмоқда. Хусусан, "Nissan" компанияси ижрочи директори Карлос Гон 2020 йилга бориб жаҳон бозорида электр автомобиллар улуши камида 10 фоизга етишини башорат қилмоқда.

Аммо яқинда айрим мутахассислар томонидан электр қуввати билан ҳаракатланувчи автомобиллар хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳали мукаммал эмаслиги маълум қилинди ва бу ишлаб чиқарувчиларнинг ҳафсаласини пир қилиши ҳам мумкин экан. Табиийки, ушбу тур машиналар ҳаракатланиши учун кучни электр қувватидан олади. Бунинг учун улар махсус батареялар билан жиҳозланади. Мазкур батареяларни хоҳлаган жойда қувватлантириш имконияти бор. Бироқ бу кўнгилсизликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан йироқ эмас экан. Бундан ташқари, йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлганда ёнғин ва портлаш каби салбий ҳолатлар юз бермаслигининг ҳам кафолати йўқ. Шу боис, мутахассислар бу жараённи чуқур таҳлил этиш кераклигини таъкидлашмоқда. Хусусан, АҚШ Миллий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (NHTSA) ходимлари электр автомобиль учун мўлжалланган қувват мосламаларини такомиллаштириш кераклигини билдиришди. Бунинг учун 8,75 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Бу жараён мамлакат энергетика вазирлиги, "Volvo" ва "General Motors" автомобилсозлик компаниялари билан ҳамкорликда олиб борилади. Текширувни ўтказишдан кўзланган мақсад батареяларни қувватлантириш жараёнида ёки бошқа вазиятларда юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликларни аниқлашдан иборатдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, "NHTSA" бу ишга жазм этгани бежиз эмас. Чунки 2006 йилда "Dell Inc." корпорациясининг ноутбуклар учун мўлжалланган литий аккумуляторларида нуқсонлар борлиги учун катта харажатга тушганди. Яъни бундай қувват мосламаларда ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳолатлари кўп кузатилганди. Бунинг натижасида кўплаб уйларда ёнғин келиб чиққанди. "Dell Inc." бу харажатларни тўлаш билан бирга 4,1 миллион дона ноутбукни қайтариб олишга ҳам мажбур бўлганди.

— Ҳозир автомобиллар билан бундай нохуш воқеа содир бўлмаслигига кафолат йўқ, — дейди "NHTSA" бош ҳуқуқшуноси Кевин Винсент. — Шу боис, экологик тоза транспорт воситалари яратишга киришган эканмиз, бу ишда шошма-шошарликка йўл қўймаган маъқул.

Негаки, дастлабки электр машиналар таркибида никель ва гидрат моддалари мавжуд бўлган батареялар билан ишлаб чиқарилган. Айни пайтда дунёда мавжуд бундай уловларнинг 90 фоизи ана шундай қувват мосламалари билан жиҳозланган. Чунки улар хавфсизлик жиҳатдан ишончлироқ. Аммо қувват олиши ва уни ўзида сақлаш кўрсаткичи бир оз паст. Шу боис, яқин ўн йил ичида эса бундай батареялар литий кимёвий унсурли қувват мосламаларига алмаштирилиши режалаштирилган. Бу каби батареялар қувватни тезда ўзлаштириши ва уни кўп вақт сақлаб туриши билан турдошидан устунликка эга. Аммо уларнинг ўзиўзидан ёниб кетиши кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Ана шулардан келиб чиқиб, мутахассислар бундай машиналарни ишлаб чиқаришда эҳтиёткор бўлишни тавсия этишмоқда. Негаки, озгина эътиборсизлик ҳам уларга бўлган ишончни йўққа чиқариши билан бирга кўплаб нохуш воқеаларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Шарҳ

Шўрчилик Амирқул Қулматовнинг тадбиркор бўлиш орзуси истиқлол туфайли рўёбга чиқди. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратиб берилган шарт-шароит, ишбилармонларга бўлган эътибор унга куч-қувват бағишлади. Ўзи яшайдиган Жойилма маҳалласида биринчилардан бўлиб "Темур-Малик" савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонасини ташкил этди.

БАРАКА МАНБАИ

Тадбиркор мўъжазгина корхонасига ўз маблағи ҳисобидан хориж технологиясини келтириб ўрнатдида, ота касби — кўнчиликни йўлга қўйди.

Бугунги кунда корхона маҳсулотларини қўшни туманлардан ҳам излаб келишмоқда. Бу ерда хоржникидан қолишмайдиган пишиқ чарм тайёрланиб, ундан ўттиз хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Спорт анжомлари, сумкалар, футбол, волейбол ва гандбол тўплари, бокс машғулоти халталари замонавийлиги ҳамда пишиқлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Шу боис вилоятдаги кўплаб спорт мактаблари ва мажмуалари, касб-ҳунар коллежлари жамоалари узоққа бориб ўтирмай, мазкур корхона билан шартнома имзолашмоқда.

Тадбиркор анъанавий ҳунармандчиликни ҳам эсдан чиқариб қўйгани йўқ. Хусусан, ҳозир корхонада от абзаллари, эгар-жабдуқ тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Чавандозлар от абзалларининг бошқаларникидан ажралиб туришини ва чиройли бўлишини исташади, — дейди Амирқул Қулматов. — Биз чопағонлар учун этик, отнинг эгари ва қамчисини тайёрлаётганда ана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор берамиз.

Интилиш

Корхона замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозлангач, ишлаб чиқариш суръати янада ошди. Энг муҳими, саноат корхоналари учун зарур жиҳозлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Гап шундаки, бу ерда пахта заводлари ва озиқ-овқат саноати корхоналари учун пишиқ чарм иплар ва тасмалар, симёғочелим тайёрлашни йўлга қўйган.

— Ҳунармандлар фаолияти давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, имтиёзлар берилаётгани ишимизга унум, даромадимизга барака киритаяпти, — дейди тадбиркор. — Масалан, солиқ имтиёзи туфайли тежалган маблағ ҳисобига янги дастгоҳлар ва зарур хом ашё сотиб олаяпмиз. Натижада ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, 22 миллион сўмлик чарм маҳсулотлари тайёрлашга эришилди.

Айни пайтда "Темур-Малик" савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонаси жамоаси пойабзал тайёрлашни йўлга қўйиш устида изланмоқда. Шу мақсадда корхонанинг 10 нафар ишчиси пойабзалчилик сирларини пухта ўрганмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Польша Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида "Польша ўзбек рассомлари ва мусиқачилари нигоҳида" деб номланган мусиқий ва бадиий кеча ўтказилди. Унда санъатшунос олимлар, мусиқа ва санъат ихлосмандлари, мамлакатимиздаги элчихоналар, дипломатик корпуслар ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Польша халқларининг кўп йиллик мустаҳкам дўстлик алоқалари хусусида ҳам тўхталиб, бу каби йиғинлар икки халқ ўртасидаги маданий, маърифий алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Мазкур кеча доирасида Р. Азизов, А. Васихонов, А. Калонов, Н. Қўзиева каби мўйқалам усталарининг Польша тарихи, унинг бугунги қиёфаси, поляшаликлар ҳаёти, санъати ва маданиятини акс эттирган асарлари кўргазмаси ташкил қилинди.

Суннат АСТАНОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Жорий йилдан эътиборан, ёзги ўқув оромгоҳида нафақат "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, балки юртимизнинг 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган барча иқтидорли йигит-қизлари ҳам қатнашмоқдалар, — дейди "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази координатори Акбар Эргашев. — Лойиҳада иштирок этиш истагидаги минг нафардан зиёд ёшлардан аризалар қабул қилинган эди. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 500 нафарга яқин ўғил-қиз ушбу нуфузли тадбирда қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди. Дам олишни кўнгилли ташкил қилиш учун ўқув-амалий машғулотлар, маданий ва спорт тадбирларидан иборат дастур ишлаб чиқилди.

Қизиқарли лойиҳалар, илғор ташаббуслар

ёш иқтидор эгаларини янги марралар сари илҳомлантирмоқда

— Ўқув-дам олиш тадбирида бу йил учинчи марта иштирок этаяпман, — дейди Андижондан келган талаба Жўрабек Отахонов. — Дастлаб "Келажак овози" танловларида кийим-бош маҳсулотлари учун ёрлиқлар тайёрлашга йўналтирилган лойиҳам билан қатнашдим. Сўнгра савдо мажмуалари учун махсус жиҳозлар ишлаб чиқариш бизнесини йўлга қўйдим. Ҳозир бу ерда соҳага оид билимларимизни бойитаяпмиз. Табиийки, бу бизнесни янада ривожлантиришимда қўл келади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур ёзги ўқув оромгоҳи лойиҳаси маҳаллий ташкилотлар билан бир қаторда, БМТнинг Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), UN Volunteers ва бошқа халқаро ёшлар ташкилотлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Оромгоҳдаги ҳар бир кун қизиқарли лойиҳалар, илғор ташаббусларга бойлиги билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●

Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

РАҚАМЛИ АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2011 йил 11 июлдан 12 август соат 18.00 гача қабул қилинади.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8 10 998) 231-33-43, 255-78-24. Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74). E-mail: umts@mvd.uz

UTG UZTRANSGAZ JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

754R/667

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси "Ўзбекинвест ассистанс" сервис агентлиги директори **Абдуғофур САБИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Барно Фармонова ва Жиноят процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Улуғбек Абдураҳмоновга падари бузруквори **Абдуқаюм АБДУРАҲМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАРИ

жонажон Ватанимиз довруғини дунёга таратмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, бундай ғамхўрликка жавобан, бугун иқтидорли ёшларимиз жаҳон миқёсидаги фан олимпиадалари, турли кўрик-танлов ҳамда нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқдалар.

Бунга жорий йилнинг 18 июнь куни Мексикада бошланган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Биласиз, дунёда спорт бўйича ўтказиладиган мусобақалар беҳисоб. Аммо улар орасида жаҳон чемпионатлари алоҳида нуфузга эга. Шу маънода, ушбу мусобақаларда тенглар ичра тенг бўлиб, муносиб иштирок этишнинг ўзи бўлмайди. Масалан, ҳозирги кунга келиб, ФИФАга 200 дан ортиқ мамлакат аъзоликка қабул қилинган. Уларнинг ҳар бири ушбу беллашувларда қатнашишни ўзи учун шараф деб билади. Табиийки, бундай эзгу орзуга эришиш учун эса мустаҳкам асос яратилиши керак. Айнан шу боис юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самараси ҳақида ҳар қанча ғурурланиб гапирсак, арзийди. Зеро, мамлакатимизда дастлаб спорт инфратузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги туфайли соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва мавжуд спорт иншоотларини малакали мураббий-устозлар билан таъминлашга эришилди. Бу эса иқтидорларни аниқлаш ва уларнинг маҳоратларини рўёбга чиқаришда қўл келгани билан аҳамиятли бўлди.

— Ўйлайманки, ёш футболчиларимизнинг Мексикадаги иштироки миллионлаб мухлисларни хушнуд қилди, — дейди делегация раҳбари Асқар Толибжонов. — Эришилган натижа футболимиз ривожига, оз бўлса-да, ҳисса қўшганидан хурсандмиз. Кўпчилик биздан АҚШ ва Чехия терма жамоалари устидан қозонилган ғалаба тасодифми, деб сўради. Биз бу саволга, аксинча, Янги Зеландия билан ўйинда қайд этилган натижа тасодиф бўлган эди, дея жавоб бердик. Буни Австралия билан бўлиб ўтган ўйинда исботладик. Чорак финалда мағлубиятга учраганимиздан кейин футболчиларимизнинг кўпчилиги йиғлашди. Уларни кўриб, менинг ҳам кўзларимга ёш келди. Чунки уларда иштиёқ жуда ҳам юқори эди.

— Мураббий сифатида эришилган натижадан унчалик қониқиш ҳосил қилмаган бўлсам-да, умуман, иштирокимиз ёмон бўлмади, — дейди терма жамоа бош мураббийи Алексей Евстафеев. — Футболчиларимиз Ватан шанини муносиб ҳимоя қилишди. Мезбонларнинг бизга муносабати аъло даражада бўлди. Мухлисларнинг шундай қўллаб-қувватлашини кутмагандик, улар туфайли худди ўз уйимизда тўп сургандек бўлдик.

— Бизни кутиб олиш учун чиққан мухлисларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Аббос Махситалиев. — Имкон қадар ҳаракат қилиб, мухлисларни хурсанд қилишга интилдик. Агар мухлисларимиз, оз бўлса-да, ўйинларимиздан қувонган бўлишса, биз ҳам бундан бахтиёрмиз.

— Пойтахтда яшайдиган ўғлимникига меҳмонга келгандим, — дейди Жиззах вилояти, Фориш туманида яшовчи Шакар ака Узоқов. — Ўсмирларимизнинг Мексикадан қайтиб келаётганини тасодифан эшитиб қолдим. Ўғлимга мениям аэропортга олиб борасан, деб туриб олдим. Футболга меҳрим баландлиги боис олис бир заминда юрт номини дунёга танитган ёш футболчиларимизни ўз кўзим билан кўрай, дедим-да. Мен сизга айтсам, уларнинг бахти Ўзбекистондек юртнинг фарзанди эканликларида.

...Ўсмирларимизнинг нигоҳига бирма-бир боқар эканмиз, уларнинг бир оз хижолат чекаётганини ҳис қилдик. Англадикки, улар беллашувда эришган натижаларидан қониқиш ҳосил қилишмабди. Очиғи, бу ҳолат бизни қувонтирди. Нега деганда, ёш футболчиларимиз кўнглида ўзига нисбатан талабчанлик ҳисси борми, демак, бу уларни улкан ғалабалар сари етаклаши, шубҳасиз.

Ушбу мақолани тайёрлаётганимизда, таҳририятимизга бир гуруҳ нуронийлар кириб келишди. Мадаминжон Ҳасанов, Абдуллажон Ортиқбоев, Искандар Раҳмон, Лола Алиқулова каби мўътабар инсонлар ёзган номада ўсмирларимиз ҳақида илиқ сўзлар баён этилган. Қуйида ундаги бир жумлани биз, азиз газетхонларимизга илинишини лозим топдик: “Биз — танти, юрт шанини улуғлаганларни бошига, қадрини юксакларга кўтарадиган миллатмиз. Бунга Мексикадан Ватанга ёруғ юз билан қайтиб келган ўғлонларимизни зўр шодиёна билан қутиб олиш маросими ҳам ёрқин мисол бўлади. Ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очган ёш футболчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди”.

Фазлиддин АБИЛОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ОНА МЕҲРИ БЕТАКРОР

Она сути — азиз неъмат. Инсон ана шу бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлгани боис меҳр-муҳаббат, эзгулик сингари инсонийликка хос гўзал хислатлар қонқонига сингиб боради.

Она сути инсон саломатлиги ва маънавий камолотида беқиёс аҳамиятга эга эканлиги жаҳон илм-фанида ҳам аллақачон ўз исботини топган. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, она сути боланинг ўсиши, ақлий ривожланишига хизмат қилиши билан бирга, она ва бола ўртасида бир умрлик меҳр ришталарини боғлайди, айнан шу узилмас ришта фарзанд қалбида юртга, оилага, одамларга нисбатан ғамхўрлик ҳиссини уйғотар экан.

Бугунги кунда мамлакатимиз микёсида ҳам она сути билан озиқлантиришнинг аҳамияти хусусида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Олимларимизнинг таъкидлашича, гўдакни олти ойгача фақат она сути билан озиқлантириш бола ҳаётининг илк босқичида жуда ҳам зарурдир. Чунки эмизиш келгусида бола организмини рахит, камқонлик, моддалар алмашинувининг бузилиши, вазн ортиши, юрак-қон томир хасталиклари, қандли диабет, бронхиал астма, саратон каби касалликларга чалинишдан асрайди. Қолаверса, биологик озиқлантирилган болалар кўриш қобилиятининг юқорилиги, руҳий ва ақлий ривожланишда фаоллиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Шу ўринда она сути нима учун бунчалик шифобахш хусусиятларга эга, деган савол туғилиши табиий. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қаралса, кўкрак сути осон ҳазм бўлувчи, етарли калорияга эга, турли микробларидан холи озуқадир. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланган юз хилдан зиёд моддалар — аминокислоталар, гормон, витамин ва фосфатитлар бор. Шунингдек, она сутида боланинг асаб тизимини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи таурин моддаси мавжуд. Энг муҳими, эмизиш онанинг саломатлиги учун ҳам фойдали ҳисобланади. Негаки, биологик озиқлантириш жараёнида она вужудида моддалар алмашинуви яхшиланади. Шунинг учун ҳам аёл боласини эмизаётганида ҳамма ташвишини унутади, кайфияти кўтарилади. Бу омиллар унинг кўкрак бези саратонига чалиниш хавфи кескин камайишига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Саломатлик

Табиийки, болани эмизишда муайян қоидаларга риоя қилиш лозим. Яъни гўдак овқатланиб бўлгач, уни бир оз тик ҳолатда ушлаб туриш керак бўлади. Шунда у эмаётганда ютиб юборган ҳаво чиқиб кетади ва таом тез ҳазм бўлади. Иложи борича она сутини тўйиб эмаётган болаларга бошқа қўшимча овқатлар бермаслик керак. Чунки ортиқча суюқлик чақалоқни она сутидан ажратиб қўйиши, ичагига инфекция тушириши мумкин. Болани эҳтиёжига яраша, у истаган пайтда эмизиш кераклигини доимо ёдда тутиш жоиз. Ана шунда сут димланиб қолмайди ва озуқа мўл бўлади. Эмизикли онанинг овқати оқсил, ўсимлик ёғи, витамин ва минералларга бой бўлиши зарур. Жумладан, сут ва қатиқ, гўшт маҳсулотлари, сабзавот, кўкатлар ҳамда ҳўл меваларни кўпроқ истеъмол қилиш улар учун кони фойдадир.

Чақалоқ туғилгач, дастлаб оғиз сутидан баҳраманд бўлади. Оғиз сути қуюқ, витамин ва минерал моддаларга ниҳоятда бойдир. Уни эмган бола жуда кам ҳолларда касалликка чалинади. Шу боис бугун жойлардаги туғуруқ муассасаларида гўдак туғилган заҳоти онанинг бағрида бўлишини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, биз, шифокорлардан катта масъулият талаб этади. Нега деганда, чақалоқ дунёга келиши билан она меҳридан тўлиқ баҳраманд бўлиши учун она соғлом бўлиши, туғуруқ бехатар ўтиши лозим. Шу боис жойларда туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини асрашга қаратилган скрининг ва пренатал текширувлар мунтазам ўтказилаётир. Мутахассисларимиз бўлажак оналарнинг тиббий маданиятини оширишга қаратилган турли маданий-маърифий йиғинлар, “Саломатлик ҳафталиги” тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар.

Бугунги кунда юртимиздаги кўплаб шифо масканлари бу борадаги ишларни намунали йўлга қўйганлиги, она ва бола соғлиғи муҳофазаси йўлида амалга оширган ибратли саъй-ҳаракатлари боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг “Болага ғамхўрлик билан муносабатда бўлган туғуруқ муассасаси” мақомини олди. Энг муҳими, бу борадаги эзгу вазифалар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Зеро, келажагимиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан етук инсон қилиб вояга етказиш бизнинг энг асосий мақсадимиздир.

Камола СОЛИҲОВА,
республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

МАДАНИЯТ
хабарлари

Андижон шаҳрида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб “Оналар куйлаганда...” деб номланган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, уни ёшлар онгида шакллантириш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда турли ёшдаги хотин-қизлар ўзаро беллашдилар. Тадбирда Қўрғонтепа тумани ҳаваскорлари томонидан саҳналаштирилган “Келин салом”, марҳаматликлар ижро этган лапарлар, пахтаободликлар тараннум этган аллалар барчага манзур бўлди.

Танлов якунида Бўз тумани бадиий ҳаваскорлари мутлақ ғолибликни қўлга киритдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҒУРУМСАРОЙ КУЛОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси қошидаги Миллий санъат маркази ҳамда “Ижод” республика уюшмаси ҳамкорлигида “Ғурумсарой кулоллик сирлари” деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Уч ҳафта давом этган мазкур тадбирда Ғурумсарой кулолларининг кўплаб ижодий ишлари намойиш этилди. Айниқса, уста кулол Ваҳобжон Буваев қўлида сайқал топган буюмлар нафис ишланганлиги, бўёқларининг ёрқинлиги билан бу ерга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш керакки, ҳунармандчиликнинг мазкур тури Поп туманидаги Ғурумсарой қишлоғи аҳлига аждодлардан мерос. Тарихий манбаларда келтирилишича, Ғурумсарой кулоллар мактаби илдизи милоддан аввалги V-IV асрларга бориб тақалади.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Moody's Investors Service Ltd.
2011 йил июль ойида
Moody's Investors Service Ltd.
халқаро рейтинг агентлиги
«Ўзбекинвест-экспорт-импорт миллий суғурта компанияси»
рейтингини тасдиқлади
Рейтинг прогнози
«БАРҚАРОР»
Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги халқаро рейтинги (B1)

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган “Геолог” болалар оромгоҳида Республика Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкиллаштирилган “Ёш геолог” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЁШ ГЕОЛОГЛАР БЕЛЛАШУВИ

Унда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ёш авлоднинг бу борадаги билимини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, мактаб, лицей, коллеж ва жойлардаги “Баркамол авлод” марказларида ўлкашунослик, экология, сайёҳлик, табиатшунослик тўгараклари ташкил этилиб, минглаб ёшларимиз ушбу тўгаракларда билим ва кўникмаларини оширмоқдалар. Анъанага айланган “Ёш геолог” кўрик-танлови ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

Танлов

Кўрик-танлов доирасида геолог ва эколог олимлар, соҳа мутахассислари иштирокида маҳорат сабоқлари, илмий-маърифий анжуманлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Айни чоғда ёш мусаввир ва фоторассомларнинг юртимизнинг гўзал табиати манзаралари акс эттирилган асарлари намойиш этилди.

Танлов якунларига кўра, пойтахтимиздаги 171-умумтаълим мактаби ўқувчиси Р. Усмонов ғолиб, деб топилди. Тадбир иштирокчиларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.

ОБ-ҲАВО

(9 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 22-24, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Спорт

Футболчиларимиз кучли гуруҳда

Кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда 2012 йили Лондон (Буюк Британия) шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридаги футбол мусобақасининг Осиё минтақаси якуний — учинчи саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, қитъанинг ўн иккита кучли жамоаси уч гуруҳга бўлинган ҳолда йўлланмалар учун курашни давом эттиради. Ҳар бир гуруҳ ғолиби Олимпиада йўлланмасини қўлга киритади.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси **“В” гуруҳи**да Австралия, Ироқ ва БАА футболчилари билан куч синашадиган бўлди. Бош мураббий Вадим Абрамов шогирдлари мусобақани 21 сентябрь куни Тошкентда Ироқ терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайдилар. Гуруҳдаги сўнгги учрашув эса келаси йилнинг 14 март куни БАА термаси билан ўтказилади.

Қолган гуруҳлар қуйидагича кўриниш олди:

«А» гуруҳи	Жанубий Корея
	Қатар
	Саудия Арабистони
	Уммон
«С» гуруҳи	Япония
	Баҳрайн
	Сурия
	Малайзия

Норбек НИЁЗОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — F. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5